



# ТА'ЛИМ, ФАН VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал  
1996 йилда ташкил этилган.

2018/2-son

Тахрир кенгаши раиси:  
Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазири  
Маджидов Иножон Уришович

Тахрир кенгаши раиси ўринбосарлари:  
Абдурахманов О.Қ.  
Холмухамедов М.М.

Бош мухаррир:  
Б.Х. Рахимов  
Ривожлантириш маркази директори

Тахрир кенгаши аъзолари:  
Ибрагимов И.У.  
(бош мухаррир ўринбосари)

Бегимқулов У.Ш.  
Иноятов М.М.  
Холиқов А.Ж.  
Исмаилов Б.М.  
Базаров О.Х.  
Бузрукхонов С.М.  
Ризаев Ф.Х.  
Туробжонов С.М.  
Марахимов А.Р.  
Ходиев Б.Ю.  
Умурузоков Ў.П.  
Рахимов Ғ.Х.  
Сирожидинов Ш.С.  
Шукуров Э.Х.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

Пардаев А.Х.  
Раҳманов Х.Ш.  
Шарипов Ш.С.  
Эшмуродов А.Т.  
Хайдаров О.А.  
Аллаберганов Р.К.  
Раҳимова У.А.  
Қурбанов Ш.Э.  
Ризаев Ж.А.  
Муталов Ш.А.  
Ибрагимов М.М.  
Нишонов Х.М.  
Мирсоатова М.С.  
Матякубов А.  
Иноятов Ф.Ш.  
Каримов К.Х.  
Бабаходжаев С.Н.  
Шарипов К.А.  
Абдурахмонов К.Х.

Тахририят:  
Вахидов У. – масъул мухаррир,  
Усманова Д. – дизайнер,  
Мухторов А. – саҳифаловчи.

## MUNDARIJA

### MA'NAViy-AXLOQiy TARBIYA VA MA'RIFIY ISHLAR

**А.К. Қодиров.** Маънавий-маърифий фаолиятнинг ижтимоий-педагогик масалалари.....3

**Н.Ш. Юнусова.** Маънавий маданиятнинг дидактик хусусияти.....7

### KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH

**Ж.Д. Маткаримова.** Кадрлар салоҳиятини ошириш ва бошқариш сиёсати..... 11

**К.И. Ахметова.** Мониторинг эффективности процесса повышения квалификации педагогических кадров.....15

### SOG'LOM AVLOD – KELAJAGIMIZ POYDEVORI

**С.С. Тажигаев.** Ўсмир таэквондочиларни (ВТФ) махсус жисмоний тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлиги..... 20

**М.Ж. Абдуллаев.** Ўсмир енгил атлетикачиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш аҳамияти.....24

**B.R. Boltayev.** Maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyalanuvchilarini barqaror rivojlanishida musiqiy-ritmik harakatlarning ahamiyati.....27

### ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA O'QUV JARAYONINI LOYIHALASH

**A. Masharipov.** Jismoniy madaniyat darslari samaradorligini oshirishda zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanish.....32

**M.J. Saidova.** Boshlang'ich sinflarda matematika ta'limida innovatsion texnologiyalaridan foydalanishning didaktik tamoyillari va uning asosi.....36

**С.Ж. Тураев.** Физика фанини ўқитишда C++ дастурлаш тили ва microsoft excel дастури имкониятларининг киёсий таҳлили.....40

**У. Ходиев.** Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида рақобатбардошлик феноменининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари.....44

**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги;  
Касб-хунар таълими маркази;  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар  
таълимини ривожлантириши маркази.

**Манзил:**

100060, Тошкент шаҳри,  
Миробод тумани,  
Шахрисабз кўчаси, 42-уй

**Телефон:** 233-34-88;

**Факс:** (+99871) 233-34-88;

**e-mail:** rm13@edu.uz

**Босишга рухсат этилди:**

Қозғоз бичими 60x84 1/8. б/т. 12,5.

Адади 1000 нусха.

Нархи: Келишилган ҳолда.

Буюртма рақами 2

"PRINT REBEL" МЧЖ матбаа

корхонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани,

Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигидан 2014 йил  
26 декабрда 0506 рақами билан  
рўйхатдан ўтган.

Журнал йилда 4 маротаба  
(ҳар чорақда) ўзбек, рус ва инглиз  
тилларида чоп этилади.

"Та'лим, фан ва innovatsiya" журнали

Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссияси

Раёсатининг 2015 йил 18 ноябрдаги

218/5-сонли қарори билан докторлик

диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиши тавсия

этилган илмий нашрлар рўйхатиغا

киритилган. (13.00.00 - ПЕДАГОГИКА

ФАНЛАРИ бўйича)

"Та'лим, фан ва innovatsiya" журналидан

кўчириб босиши фақат таҳририятнинг

розилиги билан амалга оширилади.

Мақолада келтирилган фактларнинг

тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.

Таҳририят фикри муаллифлар

фикрига мос келмаслиги мумкин.

**Ж. Қазимов, М. Ташпулатов.** Мусикий таълим тизимида  
замонавий технологиялар ва аудио-визуал воситаларнинг  
қўлланилиши..... 49  
**Д. Jo'rayeva.** Nostandart masalalar yechishga o'rgatish orqali  
o'quvchilarning ijodiy qobiliyatni rivojlantirish yo'llari.....52  
**А.Т. Курбанова, К.Р. Мамадалиев.** Санъат ва маданият  
соҳаларида замонавий ахборот коммуникация технологияларини  
фойдаланишнинг долзарблиги.....56

**TA'LIMDA UZLUKSIZLIK VA UZVIYLIK**

**З. Назарова.** Узлуксиз таълим жараёнида инновацион  
технологияларини жорий этишнинг тизимли ёндашуви..... 60  
**Д. Саматов.** Таълим мухитини барқарорлаштиришда  
толерантлик тамойилининг ўзига хос жиҳатлари.....63

**TA'LIM MUAMMOLARI: TAKLIF VA MULOHAZALAR**

**Р.И. Халмуратов, И. Исраилов, А. Маматқулов.** Бакалаврият  
йўналишларининг амалдаги ўқув режалари ҳақида мулоҳазалар. 66  
**Р.И. Халмуратов, М.Қ. Қодиров.** Олий таълим тизимидаги  
баъзи муаммолар хусусида.....69  
**А. Мавлянов, С. Абдалова, А. Хуррамов.** Таълим сифати:  
муаммолар, фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар..... 73

**TA'LIM TARAQQIYOTI**

**Ш.Ш. Эргашев.** Ўзбекистон республикасида илмий-техника  
ахбороти ва унинг ресурсларини шакллантириш механизмлари...78  
**Ш. Сабинова,** оптимальные средства внедрения инноваций в  
образовательное пространство узбекистана..... 82  
**Ғ. М. Nazarov, N.Abdullayeva.** Pascal algoritmik tilining  
matematik masalalarni yechishga qo'llashning ba'zi bir jixatlari..... 86  
**Ж.У. Ахметов, М. Тажиёв.** Самостоятельная работа студентов  
как один из важнейших методов, форм и средств обучения и ее  
роль в воспитании профессионализма студентов.....89  
**А. Жанабергенова.** Математикадан талабаларнинг мустақил  
ишини ташкил қилиш услуги.....93

**PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA**

**I. Hamroqulova, K. Ochilova.** Hozirgi zamon rahbarining asosiy  
psixologik xususiyatlari..... 96

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР ХУСУСИДА

### О НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМАХ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

### ABOUT SOME PROBLEMS OF HIGHER EDUCATION SYSTEM

Р.И. Халмуратов – ректор,  
М.Қ. Қодиров – доцент  
Самарканд давлат университети

#### Аннотация

Мақолада олий таълим битирувчиларининг рақобатбардошлигига салбий таъсир қилувчи факторлар Самарқанд давлат университети талабалари мисолида таҳлил қилиб берилган. ОТМларда таълим сифати ва самарадорлиги нафақат ўқитиш жараёни билан, асосан талабаларнинг ўқишга киргунча бўлган давргача тайёргарлик даражаси билан боғлиқлигини кўрсатувчи омиллар келтирилган.

**Калим сўзлар:** узлуксиз таълим, тест синовлари, талаба, битирувчи, диплом, рақобатбардош, эксперимент, ислоҳот, таълим сифати ва самарадорлиги, ўзлаштириши кўрсаткичи.

#### Аннотация

В статье на примере Самаркандского государственного университета анализируются факторы, которые влияют отрицательно на конкурентоспособность выпускников. Приведены факторы указывающие, что качество и эффективность образования зависит не только от процесса обучения в ВОВ, но в основном от уровня подготовленности молодежи до поступления.

**Ключевые слова:** непрерывное образование, тестовые испытания, студент, выпускник, диплом, конкурентоспособный, эксперимент, реформа, качество образования и эффективность, показатель успеваемости.

#### Annotation

The factors that affect negatively the competitiveness of graduates on the example of Samarkand State University are analyzed in this article. There are given the factors indicating the quality and effectiveness of education depends not only on the HEU training process, but mainly on the level of preparedness of young people before admission.

**Key words:** continuous education, tests, student, graduate, diploma, competitive, experiment, reform, quality of education and efficiency, indicator of academic achievement.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш энг долзарб вазифаларимиздан бирига айланди ва бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда[1].

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни шуни кўрсатдики, ўтган йилларда мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимидаги айрим хато ва камчиликлар ҳамда тажриба сифатида ўтказилган баъзи ислоҳотлар олий таълимга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди[2].

Ўтган даврларда ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда барча фанлар қатори математика, физика, кимё, биология фанлари, шу жумладан, чет тилларини ўқитишдаги янги шакл ва назоратлар, хусусан, олий таълим муассасаси (ОТМ) га ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовларининг номукамаллиги таълимнинг сифат ва самарадорлиги ва бинобарин битирувчиларимиз билимининг пасайишига олиб келганлиги кузатилди.

ОТМларга қабул қилинган ёшларнинг диплом олиши кафолатлангандай бўлиб қолди ва бу руҳият кенг жамоатчилик онгига ҳам сингиб кетди. Албатта, бунинг “сабаби” изланганда биринчи навбатда ОТМлардаги профессор-ўқитувчилар кўрсатилиши табиий ҳолга айланиб қолди.

Маълумки, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун биринчи ўринда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим омил ҳисобланади. Ўз навбатида таълим сифати албатта бугунги ўқишга қабул қилинаётган ёшларнинг бошланғич билим даражасига боғлиқ. Агар ўқишга қабул қилинган талабанинг бошланғич билим даражаси етарли бўлмаса, ОТМда таълим бериш самарадорлиги биз кутгандек бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугун мактабгача ва мактаб таълимига давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Умумий ўрта таълимнинг асосий муаммоларидан бири, мактаб ўқитувчиларининг билим даражаси ва педагогик маҳорати. Туман ва шаҳарлардаги мактаблар жамоалари, раҳбарлари ва ота-оналарнинг фикрича кейинги йилларда билим даражаси етарли бўлмаган ўқитувчилар кўпайиб бориши эъвазига мактаб таълими сифати пасайиб кетган.


Ушбу ҳолатнинг бош сабаби педагогик таълими битирувчиларининг сифати пастлигида бўлса керак. Лекин нима сабабдан салоҳияти ва нуфузи баланд бўлган факультетларни тугатиб чиққан мутахассислар ҳам талабга жавоб бермаяпти[3]. Чунки университетга қабул қилинган “хомашё” сифатсиз

бўлса, салоҳияти баланд бўлган илмий-педагогик жамоа ҳам уни қиёмига етказа олиши амри маҳол. Шу фикрни текшириб кўриш мақсадида, битирувчилари асосан мактабга ўқитувчи бўлиб борадиган таълим йўналишлари талабаларининг таянч билим даражалари синаб кўрилди.

Биринчи ва тўртинчи босқич бакалаврларининг билими ўрта мактаб дастури доирасида ёзма имтиҳонлар ўтказиш орқали синалди. Математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналишлари талабалари мос равишда, шу фанларни билиш даражаси ўрганилди. Чунки университетни битиргач улар мактабга бориб айнан шу фанлардан дарс берадилар.

Натижалар куйидагича бўлди (диаграмма).

Математика таълим йўналишига тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинган 168 нафар 1-курс талабаларидан олинган синов натижаларига кўра, уларнинг 2 нафари 86-100 балл (1,19%), 13 нафари 71-85 балл (7,74%), 72 нафари 55-70 балл (42,86%) ва 81 нафари 0-54 балл (48,21%) оралиғидаги кўрсаткичларни берди. Кўришиб турибдики, ўқишга кирганларнинг 48,21 % “икки” баҳо билан талаба бўлган, атиги 8,93% аъло ва яхши баҳо олишди. Шу таълим йўналишидаги 154 нафар 4-курс талабаларидан ўша саволлар бўйича олинган синов натижалари эса, 4 нафари 86-100 балл (2,60%), 45 нафари 71-85 балл (29,22%), 61 нафари 55-70 балл (39,61 %) ва 44 нафари 0-54 балл (28,57 %) оралиғидаги кўрсаткичлар қайд қилинди.






Диаграмма. 2017-2018 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган 1-курс ва битирувчи курс талабаларидан олинган назорат ишлари натижалари солиштирма диаграммаси

Физика таълим йўналиши бўйича 151 нафар 1-курс талабаларидан 14 нафари 86-100 балл (9,27%), 22 нафари 71-85 балл (14,57%), 41 нафари 55-70 балл (27,15%) ва 74 нафари 0-54 балл (49,01%) оралиғидаги кўрсаткичларни берди. Шу таълим йўналишидаги 154 нафар 4-курс талабаларидан 5 нафари 86-100 балл (3,25%), 23 нафари 71-85 балл (14,93%), 74 нафари 55-70 балл (48,05%) ва 52 нафари 0-54 балл (33,77%) оралиғидаги кўрсаткичларга эришди.

Кимё таълим йўналиши бўйича 128 та 1-курс талабаларидан синов натижаларига кўра бирорта ҳам талаба 86-100 балл (0%) олишга эришолмади, 13 нафари 71-85 балл (10,16%), 44 нафари 55-70 балл (34,37%) ва 71 нафари 0-54 балл (55,47%) оралиғидаги кўрсаткичларни берди. ўзлаштириш кўрсаткичи 44,53% бўлиб, ўқишга қабул қилинганларнинг 55,47% “икки” баҳо билан талаба бўлган. Ушбу таълим йўналишининг 83 нафар 4-курс талабаларининг ҳам бирортаси 86-100 балл (0%) олишга мувоффақ бўлишмади, 10 нафари 71-86 балл (12,05%), 47 нафари 55-70 балл (56,63%) ва 26 нафари 0-54 балл (31,33%) оралиғидаги кўрсаткичларга эришди, ўзлаштириш кўрсаткичи 68,68% ни ташкил қилмоқда.

Биология таълим йўналиши бўйича 172 нафар 1-курс талабаларидан 8 нафари 86-100 балл (4,65%), 33 нафари 71-85 балл (19,19%), 50 нафари 55-70 балл (29,07%) ва 81 нафари 0-54 балл (47,09%) оралиғидаги кўрсаткичларни берди. Шу таълим йўналишидаги 154 нафар 4-курс талабаларидан 3 нафари 86-100 балл

(1,95%), 37 нафари 71-85 балл (24,03%), 71 нафари 55-70 балл (46,10%) ва 43 нафари 0-54 балл (27,92%) оралиғидаги кўрсаткичларга эришди. Демак, 27,92% талаба 4 йил давомида ўқиб, кутилган натижани бермади деб ҳисоблаш мумкин. Шунга қарамадан, агар бу кўрсаткичларни 1-курс билан таққослайдиган бўлсак, бу факультетда 4 йил ичида талабаларга билим беришда сезиларли (47,09% - 27,92% = 19,17%) ижобий натижаларга эришилганлиги кўриниб турибди.

Таҳлилларимизни давом эттириш мақсадида талабаларнинг саводхонлик даражасини тажриба сифатида текшириб кўрдик. Университетнинг 1643 нафар талабаларидан мактабда ўқиган тилида (она тилида) диктант (саводхонлик даражаси ва хусниҳатини билиш учун) олинганда, қарийб 40% талабалар қониқарсиз баҳоландилар.

Университетда чет тиллари таълими алоҳида эътиборга лойиқ. Ўқув режаларидаги чет тилларининг соатлар ҳажми ва тизими, мактабдан келган абитуриентнинг таянч билим даражаси “қониқарли” бўлиши нуктаи назаридан тузилган бўлса керак.

Таянч билим даражаси “қониқарсиз” бўлган талабага ҳафтада бир пара (жуфтлик) чет тилидан дарс ўтишнинг самараси албатта жуда паст. Биринчи босқич талабалари билан ўтказилган суҳбат, тест ва ёзма иш натижалари шундан далолат беради.

Механика-математика факультетининг 108 нафар талабасидан 18 таси ижобий баҳо олиб, 90 нафари қониқарсиз баҳо олди

(83%), кириш имтихонларида чет тили бўйича тест синовлари топширган таълим йўналишларида, хусусан тарих таълим йўналишининг 69 нафар талабасидан 6 нафари (8,7%), ижтимоий-иқтисодий факультетида мавжуд таълим йўналишларида ўқиётган 146 нафар талабадан 33 нафари (22,6%), филология факультетидаги таълим йўналишларида ўқиётган 80 нафар талабадан 20 нафари (25%) ижобий баҳоларни олишга эришди, жами назорат олинган 1143 нафар талабадан фақатгина 189 нафари ижобий, қолган 954 нафари (83,46%) кониқарсиз натижа кўрсатдилар.

Юқоридаги синов ва таҳлиллардан қуйидаги хулосалар чиқади:

– ОТМларга фундаментал билимли ва мангикий фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган, яъни, “хом” ёшлар кириб келмоқда. Биз (ОТМлар) ўз навбатида уларга талаб даражасидаги касбий билим ва малакалар бермасдан (яна «хом» ҳолича) узлуксиз таълим тизими (ўрта мактаб, касб-хунар коллежлари ва ОТМлар)га қайтариб юбормоқдамиз.

– Университет ва институтлардаги мутахассислик фанлари, шунингдек, чет тиллари фан дастурлари ўрта мактабларда кониқарли баҳоларга ўқиган, ёзиш ва нутқ маданияти етарли, мустақил ишлаш малакасига эга ёшларга мослаштириб тузилган.

– Мактаб дастури доирасида фанларни яхши ўзлаштирмаган, саводхонлик даражаси паст ва чет тилларини билмаган ёшлар ОТМларга ўқишга кирса, уларни 4 йил ичида билимли ва малакали мутахассис қилиб тайёрлаш мумкин эмаслиги аён бўлмоқда.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, мактаб дастурлари доирасида етарли даражада билимга эга бўлмаган ёшларнинг ОТМга ўқишга кириб қолиши натижасида уларнинг 4 курсга бориб ҳам таянч фанларнинг мактаб дастури доирасидаги билим даражаси асосан пастлигича қолмоқда.

Юқоридагиларни муҳокама этишдан мақсад ўзимиздан масъулиятни соқит қилиш ҳам, айбдорларни излаш ҳам эмас, биз ОТМ ходимлари бошқаларга нисбатан ҳам ўзимизнинг камчиликларимиз кўплигини тан оламиз.

Бизнинг фикримизча, олий таълим тизимининг бундай аҳволга келишининг бош сабаби – ўтган даврларда жамиятда билимли

мутахассисга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг шаклланмаганлиги, олим-педагоглар нуфузини тушиб кетишидир. Бу ҳолат боғча тизимидан тортиб, ўрта мактаб, олий таълим ва ундан кейинги таълимга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келди. Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим тизими устида, менталитетимиз ва маориф тизимининг ҳақиқий аҳволини, мамлакат ривожланишининг амалдаги ижтимоий-иқтисодий даражасини инobatга олмай ўтказилган турли тажриба ва ислохотлар ҳам, шу жумладан, таълимнинг ҳар бир бўғинида 100 фоизлик натижага эришиш орқасидан қувиш илм-фан ва таълим соҳасини тўлақонли ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди.

Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида таъкидланганидек, бу аччиқ ҳақиқатни таҳлил қилмасак, келгусидаги режа-мақсадларимизни тўғри белгилай олмаймиз. Давлатимиз раҳбарининг мактабгача таълимни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган махсус мактабларнинг ташкил қилишлари бу соҳадаги муҳим ишларнинг бошланиши деб биламиз[1].

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги туб ислохотлар, хусусан, 11 йиллик таълимга ўтиш, тест синовларини бир кунда эмас, 15 кун ичида олиш, натижаларини бир кун ичида эълон қилиниши, унинг шаффофлиги ва холисоналигини таъминлаш бу соҳада кескин бурилиш ясади. Шунга қарамай таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш, унинг моддий-техник ва ўқув-услубий таъминоти бўйича ҳали ечимини кутиб турган масалалар ҳам оз эмас.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. - 80 б.*

2. *Халмурадов Р.И. Некоторые выводы по ходу анализа хода реформы высшего образования. “Таълим, фан ва инновация”, 2017, 3-сон, 78-85 б.*

3. *Халмурадов Р.И. О качестве высшего образования. “Таълим, фан ва инновация”, 2017, 4-сон, 83-89 б.*